

Намоз қироатидаги хатолар ёхуд «заллатул қорий»га тааллуқли ҳукмлар



14:00 / 03.02.2023 4679

Намоздаги қироатда юз берадиган хатолар «заллатул қорий» дейилади. Заллатул қорий деганда қасддан қилинмаган хато ва тойилишлар, адашишлар назарда тутилади. Бу ҳолат юзага келганда қачон намоз бузилади, қачон бузилмайди, қуйида баён қиламиз.

1. Намозхон қироат қилаётганда ояти карима маъноларини ўта қўпол равишда бузиб юборса, қайсики, ўша маънога эътиқод қилиш куфр даражасида бўлса, намози бузилади. Бунга эътибор бериб қўйиш керак. Кўпинча, таровехда хатмга ўтадиган баъзи қори укаларимиз бироз эътиборсизлик туфайли ояти карималар якунида чалкашиб кетиб қолиб, ўзлари билмаган ҳолда мўминларни дўзахга, кофирларни жаннатга «ҳукм қилиб юборишади». Шу ҳолатга тушиб намоз бузилиш хавфи юзага келмаслиги учун, оятлар якунига диққат қилиш керак бўлади.

Намозда ўзи билмаган ҳолда, унутиб оддий одамлар билан гаплашадиган гаплардан гапириб юборса намоз бузилар эди. Энди, худди шу тариқа ўзи билмаган ҳолда эътиқоди куфр бўлган сўзни ўқиб юборса намози бузилиши батариқи авло ҳисобланади. Чунки, бундай сўзлар оддий сўзлардан ёмонроқдир.

2. Оятлар эъробидеги хато билан намоз бузилмайди, гарчи маъно бузилиб,

эътиқоди куфр бўлган маъно юзага келса ҳам. Чунки, кўпчилик араб бўлмаган инсонлар эъроб важҳларини билмайдилар. Шу боис улардан эъробни мутлақ тўғри ишлатишни талаб қилиш уларни ҳараж ва машаққатга солиш демакдир. Ҳолбуки, бу умматдан ҳараж кўтарилган.

Бу ҳолат билан аввалги ҳолат ўртасидаги фарқ равшан. Аввалгисида, қори калимадаги эъробни эмас бутун бошли оятни ўзгартириб ўқиб қўйиши натижасида эътиқоди куфр бўлган маъно юзага келди. Бу эса нафақат араб тилини билмаслик балки, ҳифзда ҳам нуқсон борлига далолат қилади. Ва бундай ҳолатнинг олдини олиш мумкин. Муайян бир сўздаги ҳаракатда адашиш эса юқоридаги ҳолатдан енгилроқ ва сақланиш қийинроқ. Шу боис бу ҳолат афв этилади. Ташдидли сўзни таҳфиф билан ўқиш ҳам шу жумладандир. Масалан «دب عن كاي»да ташдидсиз «ияка наъбуду» деб ўқиса намоз бузилмайди. Шарти шуки, қасддан қилмаслик.

3. Вақф ва ибтидо, яъни ояти карималар ичида тўхташ ва бошлаб ўқиш ҳолатларида ҳар қанча адашса ҳам намоз бузилмайди. Чунки, фақат араб тилини яхши билган одамгина вақф ва ибтидо ўринларига тўлиқ риоя қила олади. Мусҳафда белгиланган вақф белгилари эса барча ҳолатларини қамраб олмайди, балки маъно тубдан ўзгариши мумкин бўлган ҳолатларгина кўрсатилади. Изтирорий равишда тўхтаб қолганда қандай бошлаш керак, қандай бошласа яхшироқ бўлади, қаерда тўхташ чиройлироқ бўлади, буларни фақат маънога қараб ажратилади. Тажвид китобларидаги мисол тариқасида берилган ўрнаклар қироатда юзага келиши мумкин бўлган барча ҳолатни қамраб олмайди. Шу боис ҳам вақф ва ибтидодаги хато билан намоз бузилмайди.

4. Адашиб бир ҳарф ўрнига бошқа ҳарфни ишлатиб юборса ва мазкур сўз қуръоний лафзлардан бўлиб, ҳарф ўзгариб қолиши натижасида маъно бузилиб кетмаса намоз бузилмайди. Мисол учун, «نيم لاطل ان» ўрнига «ن لاطل ان» дея эъробий хато билан ўқиса ёхуд «امو ضرأل او» ўрнига «امو احط» деб ўқиса намоз бузилмайди. Чунки, ҳар икки лафз айна маънога далолат қилиши билан бирга, ҳар иккиси ҳам Қуръоний лафзлардан ҳисобланади.

5. Агар шу ҳолатда, яъни хатоан бир лафз ўрнига бошқа лафз ўқиб қўйганда мазкур лафз Қуръоний лафз бўлмаса бироқ маъно ҳам ўзгармаса,

тарафайн, яъни имом Абу Ҳанифа ва имом Муҳаммад (раҳимаҳумаллоҳ) наздида намоз бузилмайди, имом Абу Юсуфга кўра бузилади. Масалан, «طسقلاب نيم او ق» оятида «طسقلاب نيم اي ق» деб ўқиса имом Абу Ҳанифа ва имом Муҳаммад (раҳимаҳумаллоҳ) наздида намоз бузилмайди. Чунки, лафз Қуръони Карим лафзларидан бўлмаса ҳам маъно ўзгармаяпти. «اراي د» (дайааро) ўрнига «اراد» (даввааро) деб ўқиб қўйса ҳам шундай.

6. Бордию хато туфайли калима Қуръоний лафзлар доирасидан чиқмаган бўлса-да, маъно ўзгариб кетса, имомларимиз сўзларидаги ихтилоф бунинг акси. Масалан, «نودم اس مت ن او» ўрнига «نودم اخ مت ن او» деб ўқиса тарафайн наздида бузилади, имом Абу Юсуф (роҳматуллоҳи алайҳ) наздида эса бузилмайди.

Демак, имомларимизнинг намоз бузилиш ёки бузилмаслигида эътиборга олган нуқталари қуйидагича, имом Абу Юсуф наздида хато туфайли ўқилган бошқа сўз Қуръоний лафзлардан бўлса бузилмайди, гарчи маъно ўзгарса ҳам. Имом Абу Ҳанифа ва имом Муҳаммад (раҳимаҳумаллоҳ) наздларида эса бу борадаги мўътабар нарса маъно уйғунлигидир. Шунга кўра, гарчи лафз Қуръоний лафзлардан бўлмаса-да, маъно ўзгармаса намоз бузилмайди.

7. Энди хато ўқилган лафзнинг Қуръонда мисли ҳам бўлмаса ва бу хато туфайли маъно ҳам бузилса, у ҳолда бил иттифоқ намоз бузилади. Масалан, «أرذ ام م»ни «أرظ ام م» деб, «ن ع أ ل ا ذ ل ت»ни «ن ع أ ل ا ظ ل ت» шаклида ўқиса барчалари наздида намоз бузилади.

8. Агар ояти карима сўзларидан бирор ҳарфни кам ўқиса, яъни ўқимаса, ва шу ҳолатда маъно ўзгарса масалан, «ان قل خ» ёхуд «ان ل ع ج» лафзларидаги «хо» (خ) ва «жим» (ج)ни ўқимаса, имом Абу Ҳанифа ва имом Муҳаммад (раҳимаҳумаллоҳ) наздида намоз бузилади, имом Абу Юсуф (роҳимаҳуллоҳ) наздида эса бузилмайди. Бунда ҳам уларнинг эътиборга олган важҳи (жиҳати, ақлий далили) юқоридаги каби. Абу Юсуф (роҳимаҳуллоҳ) гарчи бир ҳарф кам ўқилса ҳам мазкур сўзнинг бошқа қисмлари Қуръонда мавжудлигини эътиборга олган, имом Абу Ҳанифа ва имом Муҳаммад (раҳимаҳумаллоҳ) эса маъно дурустлигини эътиборга олганлар.

9. Ояти каримадаги лафзлар орасида боғловчи бўлган баъзи ҳарфлар

масалан вов ҳарфи ўқилмаганда маъно бузилса, бунда ҳам юқоридаги ихтилофга кўра, имом Абу Ҳанифа ва имом Муҳаммад (раҳимаҳумаллоҳ) наздиларида намоз бузилади. Масалан, «يُثَنُّ أَلْأَوْرَكَ ذَلَّ الْقَلْبُ أَمَوْ» оятини вов ҳарфисиз «يُثَنُّ أَلْأَوْرَكَ ذَلَّ الْقَلْبُ أَم» деб ўқиса маъно тубдан ўзгаради ва шунга кўра намоз бузилади. Лекин, бу ҳолатда ҳам имом Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) наздида намоз бузилмайди. Чунки, ўша вовсиз ўқилган лафзлар Қуръонда мавжудлиги учун.

10. Агар бирор ҳарф камайтирилганда маъно ўзгармаса, масалан, арабларнинг тархим услубига кўра «كَلَامِ أَيْ»ни «كَلَامِ أَيْ» деб ўқиса бил иттифоқ (яъни ҳар уччала имомимиз иттифоқи билан) намоз бузилмайди. Эслатма: Бу ҳолатлар тажвиди бор, ҳарфларни тўғри талаффуз қила оладиган одамлар ҳақидадир. Кекса ёшда Қуръони Каримни ўрганаётгани туфайли ҳарфларни махражидан чиқара олмайдиган ёхуд бу борада илм олиб, машқ қилмагани сабабли тўғри талаффуз қилолмайдиган ёки бўлмаса алсағ (тили чучук) бўлгани учун айрим ҳарфларни тўғри талаффуз қилишдан ожиз бўлган кишилар юқоридаги айрим хатоларга тушиб қолсалар иншааллоҳ уларнинг намозлари ўзлари ҳақида дуруст бўлади. Бироқ, улар имкон қадар ўз устларида ишлаб, талаффузларини ислоҳ қилиш ҳаракатида бўлишлари матлубдир. Агар ўрганиш имконлари бўла туриб эътиборсизликда давом этсалар гуноҳкор бўладилар, валлоҳу аълам.

Алишер Султонходжаев